XALQ DEPUTATLARI BULOQBOSHI TUMAN KENGASHI QARORI

170500, Buloqboshi t., M.Ismoiliy ko'chasi 6-uy, Telefon: (74) 7732560 e-mail: buloqboshi@exat.uz

2021 - yil 29 - dekabr VI-41-42-1-20-K/21 Buloqboshi tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддаларига асосан 2022 йил учун қишлок хўжалигига мўлжалланмаган юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг ер солиғи аниқ миқдорларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги №06/04-01-32/2248-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг №19/10-68220-сонли қўшма хатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 429 ва 437-моддларига мувофиқ Халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-сон Фармонига кўра, 2022 йил 1 январдан бошлаб:

вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан белгиланадиган солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туман ва шаҳарлар кесимида, уларнинг иқтисодий ривожланишига қараб ер солиғи ставкасига 0,5 дан 2,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш;

- туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида

жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқи берилганлиги;

2. Ҳудудларни иқтисодий ривожланганлик даражасига қараб, солиқ юкини келгуси йилда кескин ортиб кетишини олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун Солиқ кодексида белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан юридик шахслар учун 1-иловага мувофиқ, жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар белгилансин.

3. Туман халқ депутатлари Кенгаши мазкур қарорнинг 1-, 2-иловаларида белгиланган солиқ ставкасига нисбатан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни киритиш ҳуқуқига эга эканлиги;

Бунда, ер солиғининг амалдаги ставкалари 1,07 бараварга индексация қилиниши инобатга олинсин, кейинги йил учун белгиланган маҳаллий бюджет прогнози доирасидан келиб чиққан ҳолда оширувчи ёки камайтирувчи коэффициент қўллаш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида фақатгина оширувчи коэффициентларни қўлламаслик белгилаб қўйилсин.

4. Туман ҳокимлиги туман солиқ инспекцияси билан биргаликда 1-, 2-иловага мувофиқ солиқ ставкаларини солиқ тўловчиларга белгиланган муддатларда етказилишини, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг 2020 йил 28 декабрдаги 58/19-6-сонли қарори 2022 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамдатуман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Туман ҳокими **Mamurov O. K.**

Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг
2021 йил 29 декабрдаги
VI-41-42-1-20-K/21-сон қарорига
1-илова

Булоқбоши тумани бўйича юридик шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғининг базавий ставкасига нисбатан халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан белгиланган коэффициентларга мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган солиқ ставкалари

№	Шаҳарлар ва туманлар номи	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)
1	Булоқбоши тумани	0,51	17 850 000

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ, Андижон вилоятида юридик шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 гектар учун 35,0 млн.сўм қилиб белгиланган. Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициентга кўпайтириш орқали аниқланади.

Юридик шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкалари

млн.сўмда

№	Вилоят ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент (0,5-2,0)	Туман (шаҳарлар) кесимида 1 гектар учун ер солиғи	Туман (шаҳар) ҳудудлари *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)*	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган камйтируви ва оширувчи коэффициент (0,7-3,0)	Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1 гектар учун ер солиғи
1	Булоқбоши тумани	35,0	0,5	17,9	Хонтепа МФЙ	17,9	1,1	19,6
2					М Исмоилий МФЙ	17,9	1,1	19,6
3					Кумгузар МФЙ	17,9	1,0	17,9

4					Чакар МФЙ	17,9	1,0	17,9
5					Барлос МФЙ	17,9	0,9	16,1
6					Тошкечик МФЙ	17,9	1,0	17,9
7					Гулистон МФЙ	17,9	1,0	17,9
8					Фаровон МФЙ	17,9	1,0	17,9
9					Буюк турон МФЙ	17,9	1,0	17,9
10					Боймахалла МФЙ	17,9	1,0	17,9
11					Уч кўча МФЙ	17,9	1,0	17,9
12					Шохгузар МФЙ	17,9	0,9	16,1
13					Юксалиш МФЙ	17,9	0,8	14,3
14					Дўлана МФЙ	17,9	0,9	16,1
15					Кумариқ МФЙ	17,9	0,8	14,3
16					Кашкар МФЙ	17,9	0,9	16,1
17					Нурзамин МФЙ	17,9	0,9	16,1
18					Сохибкор МФЙ	17,9	0,9	16,1
19					Сарбонтепа МФЙ	17,9	0,9	16,1
20					Шарк Юлдуз МФЙ	17,9	0,9	16,1
21					Байналминал МФЙ	17,9	0,9	16,1
22					Какир МФЙ	17,9	0,8	14,3
23					Ширмонбулок МФЙ	17,9	0,9	16,1
24					Навоий МФЙ	17,9	0,9	16,1
25					Учтепа МФЙ	17,9	0,9	16,1
26					Зарғалдок МФЙ	17,9	0,9	16,1
27					Тинчлик МФЙ	17,9	0,9	16,1
28					Куприкбоши МФЙ	17,9	0,9	16,1
29					Бозорбоши МФЙ	17,9	1,0	17,9
30					Раиш МФЙ	17,9	0,8	14,3
31					Ёрбоши МФЙ	17,9	0,9	16,1
32					Ривож МФЙ	17,9	1,0	17,9
33					Сойбуйи МФЙ	17,9	0,9	16,1
34					Нефтчилар МФЙ	17,9	0,9	16,1
35					Саноат МФЙ	17,9	0,8	14,3
36					Баландчек МФЙ	17,9	0,9	16,1
37					Истиклол МФЙ	17,9	0,9	16,1

Халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгашининг
2021 йил 29 декабрдаги
VI-41-42-1-20-K/21-сон қарорига
2-илова

Булоқбоши тумани бўйича жисмоний шахсларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлари учун ер солиғининг базавий ставкасига нисбатан халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан белгиланган коэффициентларга мувофиқ қўлланилиши лозим бўлган солиқ ставкалари

№	Шаҳарлар ва туманлар номи	Коэффициент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.метр учун, сўмда)
1	Булоқбоши тумани	0,52	165,6

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ, Андижон вилоятида жисмоний шахслар учун қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар бўйича ер солиғининг базавий ставкаси 1 кв.метр учун 320,0 сўм қилиб белгиланган. Қўлланилиши лозим бўлган солиқ суммаси базавий ставкани коэффициент миқдорига кўпайтириш орқали аниқланади.

Жисмоний шахслар бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи ставкалари

млн.сўмда

№	Вилоят ҳудудлари	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан қўлланилган коэффициент (0,5-2,0)	Туман (шаҳарлар) кесимида 1 гектар учун ер солиғи	Туман (шаҳар) ҳудудлари *(МФЙ, ОФЙ, даҳалар, кўчалар)*	1 гектар учун базавий солиқ ставкаси	Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан қўлланилган камйтируви ва оширувчи коэффициент (0,7-3,0)	Даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 1 гектар учун ер солиғи

1	Булоқбоши тумани	320,0	0,5	166,4	Хонтепа МФЙ	166,4	1,1	183,0
2					М Исмоилий МФЙ	166,4	1,1	183,0
3					Кумгузар МФЙ	166,4	1,0	166,4
4					Чакар МФЙ	166,4	1,0	166,4
5					Барлос МФЙ	166,4	0,9	149,8
6					Тошкечик МФЙ	166,4	1,0	166,4
7					Гулистон МФЙ	166,4	1,0	166,4
8					Фаровон МФЙ	166,4	1,0	166,4
9					Буюк турон МФЙ	166,4	1,0	166,4
10					Боймахалла МФЙ	166,4	0,9	149,8
11					Уч кўча МФЙ	166,4	0,8	133,1
12					Шохгузар МФЙ	166,4	0,9	149,8
13					Юксалиш МФЙ	166,4	0,9	149,8
14					Дўлана МФЙ	166,4	0,9	149,8
15					Кумариқ МФЙ	166,4	0,7	116,5
16					Кашкар МФЙ	166,4	0,9	149,8
17					Нурзамин МФЙ	166,4	0,9	149,8
18					Сохибкор МФЙ	166,4	0,9	149,8
19					Сарбонтепа МФЙ	166,4	0,9	149,8
20					Шарк Юлдуз МФЙ	166,4	0,9	149,8
21					Байналминал МФЙ	166,4	0,9	149,8
22					Какир МФЙ	166,4	0,8	133,1
23					Ширмонбулок МФЙ	166,4	0,9	149,8
24					Навоий МФЙ	166,4	0,9	149,8
25					Учтепа МФЙ	166,4	0,9	149,8
26					Зарғалдок МФЙ	166,4	0,9	149,8
27					Тинчлик МФЙ	166,4	0,9	149,8
28					Куприкбоши МФЙ	166,4	1,0	166,4
29					Бозорбоши МФЙ	166,4	1,0	166,4
30					Раиш МФЙ	166,4	0,9	149,8
31					Ёрбоши МФЙ	166,4	0,9	149,8
32					Ривож МФЙ	166,4	1,0	166,4
33					Сойбуйи МФЙ	166,4	1,0	166,4
34					Нефтчилар МФЙ	166,4	0,9	149,8
35					Саноат МФЙ	166,4	0,7	116,5
36					Баландчек МФЙ	166,4	0,9	149,8

37					Истиклол МФЙ	166,4	0,9	149,8